

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИКЛИМ ШАРОИТИДА ПАТИССОННИНГ
ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР НАВЛАРНИ АНИҚЛАШ.**

Дурходжаев Шавкат Файзуллаевич

ТошДАУ Мева-сабзавотчилик ва узумчилик
кафедраси к.х.ф.ф.д (PhD)

Сативалдийев Фурқатжон Азамжон угли

Мева сабзавотчилик ва
узумчилик факултети Иссиқхона хўжалигини
ташқил етиш ва уни юритиш йўналишининг
2-босқич 22-57 гуруҳ талабаси,

Миралийева Хабиба Мирруслан кизи

Ўрмон хужалик ва ландшафт дизайн факултети.
Урмончилик юналиши 21-64 гуруҳ талабаси,

Тоҳирова Фарангиз Урол кизи

Мева сабзавотчилик ва
узумчилик факултети Иссиқхона хўжалигини
ташқил етиш ва уни юритиш йўналишининг
1-босқич 23-57 гуруҳ талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10535620>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқлим шароитида патиссон кўчатини етиштириш, турли муддатларда экиш ва унинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, шунингдек об-ҳаво шароитларининг таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Патиссон-қовоқдошлар оиласининг бир йиллик ўсимлиги, асосан, бутасимон, камдан-кам ҳолларда қамчисимон шаклда бўлади. Пояси тик, қиррали, қаттиқ-попукли, тугунлар орасида қисқарган. Бутасимон қийшиқ поянинг узунлиги 30-60 см. мевалар яссиланган, пластинка шаклидаги ёки қўнғироқ шаклидаги, оқ ёки тўқ сариқ рангда. Униб чиққандан то товар маҳсулотларини олишгача бўлган давр 40-50 кунни ташқил этади. Тадқиқот натижаларига кўра Солнышко ва Фонарик Летаящая тарелка навларини етиштиришда юқори маҳсулдорликка эришилди.

Таянч сўзлар: патиссон, нав намуналари, барг, мева вазни ва ҳосил.

**DETERMINATION OF HIGH-YIELDING POTHISSON VARIETIES IN THE
CLIMATIC CONDITIONS OF THE TASHKENT REGION.**

Abstract. In this article is given the results of experiment of the Patison cultivation in the climatic conditions of Uzbekistan, planting in different times, growth, development and yield capacity, and the influence of weather. Patison - annual plant belonging to the gourd plant family, usually grows as a shrub, in rare cases it is in the form of a whip. The stem is straight, faceted, rigidly cyst, shortened between the nodes. The length of the crooked stem is 30-60 cm. The product is oval in the form of a plate and a bell, the color is white or dark yellow. It is early maturing variety of the pumpkin family. The period between growth and harvest is 40-50 days. According to the results of the study, we achieved high yields in the cultivation of varieties Солнышко and Фонарик, Летаящая тарелка.

Key words: patisson, cultivar samples, leaf, fruit weight and yield.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВЫСОКОУРОЖАЙНЫХ СОРТОВ ПОТИССОНА В КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ.

Аннотация. В этой статье переведены результаты исследования выращивания Патиссона в климатических условиях Узбекистана, посадка в разных временах, рост, развитие и урожайность, а также влияние погоды. Патиссон - однолетнее растение относящиеся роду тыквенных растений, обычно растёт как кустарник, в редких случаях бывает в форме хлыста. Стебель прямой, гранёный, жёстко кистовой, сокращённый между узлами. Длина кривого стебля составляет 30-60 см. Продукт овальный в форме пластинки и колокольчика, окраска белая или тёмно-жёлтая. Период современни пророста до сбора урожая составляет 40-50 дней. По результатам исследования добились высоко урожайности в выращивании сортов Солнышко и Фонарик, Летящая тарелка.

Ключевые слова: патиссон, образцы сортов, листья, масса плодов и урожайность.

КИРИШ

Долзарблиги. Сабзавотлар – энг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб, инсон организмнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган углеводлар, витаминлар, эфир мойлари, минерал тузлар ва фитонцидларни асосий етказиб берувчи асосий манба ҳисобланади. ФАО маълумотларига кўра, “қовоқдошлар оиласига мансуб, качабки ва патиссон меваларини ишлаб чиқаришда Хитой (7,2 млн. т.), Ҳиндистон (4,9 млн. т.), Украина (1,27 млн. т.), Россия (1,128 млн. т.), АҚШ (1,05 млн. т.) ва Эрон (0,9 млн. т.) давлатларида кенг миқёсда етиштирилмоқда”¹. Ўзбекистонда 2020 йилда патиссон етиштириладиган умумий майдони 20 гектар бўлиб, 2022 йилда патиссон етиштириладиган умумий майдони 34 гектар ташкил этган, ялпи ҳосил 512 тонна ва ҳосилдорлик 10,1 т/га ни ташкил қилмоқда. Аҳоли истеъмоли учун сабзавот турларини кенгайтириш, баҳор-ёз-куз даврларида маҳсулот олиш ва истеъмол қилишда патиссонга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда патиссон нав намуналари асортиментини кенгайтиришда шунингдек, озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан таъминлашда АҚШ, Италия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва Россияда патиссоннинг ихчам палакли, меваларининг турли рангдаги ва шаклдаги навларини яратиш ҳамда меваларини етиштириш технологияси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда агрокластер, фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларини даромадини, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда сабзавотчилик соҳасидаги илм-фан ютуқлари, хусусан комплекс қимматли хўжалик белгилари юқори янги навлар ҳамда такомил-лаштирилган агротехнологиялар тадбиқ қилинмоқда. Шунга қарамадан, республикада сўнгги йилларда патиссон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилмаган бўлиб, маҳсулот етиштиришнинг ишлаб чиқаришдаги мавжуд асортименти – хорижий (Белый 13) ва маҳаллий (Заркокил) навларидан иборат. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026

¹ FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”²га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, Ўзбекистонда патиссон нав ассортиментини кенгайтириш, юқори маҳсулдор навларни танлаш ва меваларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда патиссоннинг морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганишда Н.С. Paris (АҚШ), патиссонни юқори ҳосилдор нав ва дурагайлари танлашда Robert Westerfield (АҚШ), Rosie Lerner В. (АҚШ), Michael N. Dana (АҚШ), R.N. Rashmi (Хиндистон), К. Sato-Nara (Япония), К. Yuhashi (Япония), К. Higashi (Япония), турли экиш муддатларида маҳсулот етиштиришда К. Hosoya (Япония), Россияда патиссон навларини яратишда В.А. Лудилов, О.В. Чернявская ҳамда патиссон навларни танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштиришда В.И. Фатьянов, Т.А. Октябрьская, Т.Е. Лушиц, О. Ганичкина, В.Ф. Пивоваров, Л.П. Барахаева, А.В. Гончаров, А.А. Коломиецлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўзбекистонда патиссоннинг маҳаллий навини яратишда Ш. Жабборов, навларни танлаш, экиш муддати ва схемаларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар Н.Н. Балашев, М.Н. Кулакова, В.И. Зуев ва Х.Ч. Бўриевлар томонидан бажарилган.

Бироқ, Ўзбекистонда охириги 10 йил ичида йилларда патиссон нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган. Шу боис: Асосий экинда етиштиришга истикболли патиссон нав намуналарини танлашда тадқиқотларга патиссоннинг Ўзбекистонда районлаштирилган “Белый 13” ва “Заркокил” навлари ҳамда Россия селекциясига мансуб 16 та навлар ва 1 та дурагай танлаб олинди, стандарт нав сифатида Белый 13 нави олинди:

№	Навлар номи	Келиб чиқиши
1	Белый 13 (st)	Россия (RU)
2	Белый НЛО	Россия (RU)
3	Гагат	Россия (RU)
4	Грошик	Россия (RU)
5	Диск	Россия (RU)
6	Заркокил	Ўзбекистон (UZ)
7	Золотой медальон	Россия (RU)
8	Зонтик	Россия (RU)
9	Копейка	Россия (RU)
10	Летающая тарелка	Россия (RU)
11	Марсианин	Россия (RU)
12	Монетки	Россия (RU)
13	Пятачок	Россия (RU)
14	Солнышко	Россия (RU)
15	Фонарик	Россия (RU)

² <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

№	Навлар номи	Келиб чиқиши
16	Хрустик	Россия (RU)
17	Черепаха	Россия (RU)
18	Солнечный Зайчик F1	Россия (RU)

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Илк бор Тошкент вилояти шароитида асосий экинлар шароитида патиссоннинг 18 та нав ва дурагайлари кимматли хўжалик белгилари аниқланган;

патиссондан асосий шароитида эрта маҳсулот олишда эртапишар “Копейка” ва “Грошик” (36-37 кун) ҳамда тик ўсувчи ва калта пояли “Пятачок” ва “Золотой медальон” (46,8...58,5 см) ва ихчам поя кенглиги “Пятачок” ва “Грошик” (61,4...70,5 см) навлари эканлини аниқланган;

асосий экинлар шароитида етиштиришда юқори ҳосилдорлик кўрсаткичига эга бўлган оқ мевали Летающая тарелка (12,2 ва 9,8 т/га); яшил мевали Фонарик (15,1 ва 12,0 т/га); сариқ мевали Солнышко (19,1 ва 15,2 т/га) навлари эканлиги аниқланган;

асосий экинлар шароитида патиссон навларини апрел ойининг I- ва II-декадасигача экиш юқори натижа берганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятида патиссондан асосий экин шароитида эрта маҳсулот олишда эртапишар “Копейка” ва “Грошик” (36-37 кун) ҳамда тик ўсувчи ва калта пояли “Пятачок” ва “Золотой медальон” (46,8...58,5 см) ва ихчам поя кенглиги “Пятачок” ва “Грошик” (61,4...70,5 см) навлари танланган;

патиссон нав намуналарини ўсув даврида энг кўп мева сони “Солнышко” навида (78,1 ва 49,8 дона) кузатилиб, экиш муддатларида олиш имконияти мавжудлиги исботланган;

асосий экин шароитида юқори ҳосилдорлик “Летающая тарелка” (12,2 т/га), “Фонарик” (15,1 т/га), “Солнышко” (19,1 т/га) навларида эканлиги аниқланган.

Асосий экин сифатида турли экиш муддатларида патиссон навларидан ҳосил чиқиши, кг/гуп

Нав намуналар	Ҳосил чиқиши, кг/гуп						
	V	VI	VII	VIII	IX	X	жами
2020 йил							
“Заркокил” нави							
10 апрель	0,58	1,75	2,33	0,58	0,29	0,29	5,82
20 апрель (назорат)		0,41	1,22	1,22	0,81	0,41	4,06
30 апрель			0,75	1,13	1,13	0,75	3,77
10 май			0,35	1,04	1,04	1,04	3,48
“Солнышко” нави							
10 апрель	0,86	2,57	3,42	0,86	0,43	0,43	8,56
20 апрель (назорат)		0,60	1,79	1,79	1,19	0,60	5,95
30 апрель			1,11	1,66	1,66	1,11	5,53
10 май			0,52	1,55	1,55	1,55	5,15

2021 йил							
“Заркокил” нави							
10 апрель	0,47	1,40	1,87	0,47	0,23	0,23	4,68
20 апрель (назорат)		0,42	1,26	1,26	0,84	0,42	4,21
30 апрель			0,56	0,84	0,84	0,56	2,81
10 май			0,17	0,51	0,51	0,51	1,69
“Солнышко” нави							
10 апрель	0,79	2,38	3,17	0,79	0,40	0,40	7,92
20 апрель (назорат)		0,71	2,14	2,14	1,43	0,71	7,13
30 апрель			0,95	1,43	1,43	0,95	4,75
10 май			0,29	0,86	0,86	0,86	2,85
2022 йил							
“Заркокил” нави							
10 апрель	0,64	1,91	2,54	0,64	0,32	0,32	6,35
20 апрель (назорат)		0,57	1,72	1,72	1,14	0,57	5,72
30 апрель			0,76	1,14	1,14	0,76	3,81
10 май			0,23	0,69	0,69	0,69	2,29
“Солнышко” нави							
10 апрель	0,90	2,69	3,59	0,90	0,45	0,45	8,98
20 апрель (назорат)		0,81	2,42	2,42	1,62	0,81	8,08
30 апрель			1,08	1,62	1,62	1,08	5,39
10 май			0,32	0,97	0,97	0,97	3,23

Барча ўрганилган патиссон нав намуналари ўсимликларидаги эркак гуллар сони урғочи гуллар сонидан кўп бўлди. Урғочи ва эркак гуллари сонининг миқдорий нисбати паст Пятачок (1:1,2) ва Черепаха (1:1,5) навларида эканлиги аниқланди. Бу эса, патиссон ўсимлигидан юқори сифатли ҳосил олишда катта аҳамиятли ҳисобланди.

Тахлилий маълумотларга кўра, 2020 йилда бир гектар майдондан Белый 13 (st) навиға нисбатан оқ мевали – Белый НЛО (9,2 т/га), Диск (8,2 т/га), Зонтик (6,5 т/га), Пятачок (5,1 т/га); яшил мевали – Марсианин (10,2 т/га), Черепаха (7,8 т/га); сариқ мевали – Грошик (6,5 т/га), Золтой медальон (6,3 т/га) навларида ҳамда Солнечный Зайчик F1 (9,4 т/га) дурагайида кам ҳосилдорликка эга бўлганлиги аниқланди.

2021 йилда апрел-май ойларида сурункали ёгингарчилик сабабли, патиссон нав намуналарининг ҳосилдорлиги бир мунча пастроқ бўлиб, Белый 13 (st) навидан – 9,8 т/га бўлиб, оқ мевали – Летящая тарелка (11,2 т/га), яшил мевали – Фонарик (14,1 т/га), Хрустик (10,6 т/га), Гагат (9,2 т/га); сариқ мевали – Солнышко (17,3 т/га), Копейка (12,2 т/га), Заркокил (12,7 т/га), Монетка (10,0 т/га) навларида стандарт навға нисбатан юқори ҳосилдорлик сақланиб қолди. Шунга қарамасдан, ўрганилаётган гектаридан оқ мевали – Пятачок (5,31 т камрок), Зонтик (3,88 т), Белый НЛО (3,27 т), Диск (2,45 т); яшил мевали –

Черепаха (3,27 т), Марсианин (0,82 т), Гагат (0,62 т); сариқ мевали – Золтой медальон (4,29 т), Грошик (2,45 т) навларида ҳамда Солнечный Зайчик F1 (1,43 т) дурагайида кам ҳосил шаклланди.

Аксинча, 2022 йилда баҳор фасли иссиқ келганлиги сабабли, ўрганила-ётган патиссон навлари гектаридан ҳосилдорлик юқори бўлди. Бунда, бир гектар майдондан оқ мевали – Летающая тарелка (13,3 т), яшил мевали – Фонарик (16,1 т), Хрустик (12,4 т), Гагат (12,0 т); сариқ мевали – Солнышко (20,0 т), Копейка (14,7 т), Заркокил (14,5 т) навларида стандарт Белый 13 (11,4 т/га) навига нисбатан гектардан 8,6-0,64 тоннагача юқори ҳосил шакллантирган бўлса, гектаридан 5,28-0,18 тоннагача камроқ ҳосилдорликни оқ мевали – Пятачок (4,87 т), Зонтик (3,44 т), Диск (1,60 т), Белый НЛО (0,99 т); яшил мевали – Черепаха (3,03 т), Марсианин (0,79 т); сариқ мевали – Золтой медальон (5,28 т), Грошик (3,64 т), Монетка (0,18 т) навларида ҳамда Солнечный Зайчик F1 (2,62 т) дурагайи намоён қилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, асосий экин сифатида патиссон нав намуналарини танлашда бир гектар майдондан энг юқори ҳосилдорликни оқ мевали Летающая тарелка нави – 12,2 т; яшил мевали Фонарик нави – 15,1 т; сариқ мевали – Солнышко нави – 19,1 т ни ташкил қилган бўлса, энг паст ҳосилдорлик эса оқ мевали Пятачок нави (5,4 т/га); яшил мевали Черепаха нави (7,6 т/га); сариқ мевали Золтой медальон навида (6,0 т/га) эканлиги аниқланди.

Ўрганилаётган патиссон нав намуналарининг умумий ҳосил Давлатлараро стандарт “ГОСТ 34324-2017. Патиссоны свежие. Технические условия” бўйича мева ўлчами таҳлил қилинганда, Белый 13 (st) навида мева диаметри 50 мм – 6,36 т (умумий ҳосилдан), 70 мм – 2,6 т ва 100 мм – 1,59 т ни ташкил қилди.

ХУЛОСА:

1. Асосий экин шароитидан патиссон нав намуналаридан эртапишар нав сифатида – Копейка (36 кун) ва Грошик (37 кун) навлари эканлиги аниқланди.

2. Асосий экин шароитида энг юқори ҳосилдорлик Летающая тарелка (12,2 т/га); Фонарик (15,1 т/га); Солнышко (19,1 т/га) ва энг паст ҳосилдорлик – Пятачок (5,4 т/га); Черепаха (7,6 т/га); Золтой медальон (6,0 т/га) навларида, такрорий экин шароитида энг юқори ҳосилдорлик Летающая тарелка (9,8 т/га); Фонарик (12,0 т/га); Солнышко (15,2 т/га) ва энг паст ҳосилдорлик – Пятачок (4,4 т/га); Черепаха (6,1 т/га); Золтой медальон (4,8 т/га) навларида бўлди.

3. Асосий экин шароитида патиссон нав намуналарининг мева ўлчами бўйича умумий ҳосилдаги нисбати Солнышко навида мева диаметри 50 мм – 13,56 т, 70 мм – 3,82 т ва 100 мм – 1,72 т бўлиб, энг паст кўрсаткични Золтой медальон навида мутаносиб равишда 3,54; 1,62 ва 0,84 т бўлди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган

- киймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси” ги ПФ-60-сон фармон
 4. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. – Тошкент, 2002. – Б. 121-152
 5. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. – М: Агропрмиздат, 1992. – С. 133-135, 226.
 6. Давлатлараро стандарт “ГОСТ 34324-2017. Патиссоны свежие. Технические условия”. – 10 с.
 7. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – С. 207-223, 268-297
 8. Методические указания ВИР по изучению и поддержанию мировой коллекции тыквенных культур (патиссон). – Москва, 1977. – С. 11-15, 59-62